

## Ўрта Осиё муҳофаа деворларининг пайдо бўлиши ва уларнинг ўрганилиши тарихи.

Холбоев Зиёдулла Тоирович,  
ЖДПИ, Тарих ва уни ўқитиш  
методикаси кафедраси катта ўқитувчиси.  
Ziyodulla1979@mail.ru

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўрта Осиёда муҳофаа деворларининг пайдо бўлиш тарихий сабаблари ва уларнинг илмий ўрганилиш босқичлари ўз аксини топган. Унда Ўрта Осиёнинг Марғиёна, Бактрия, Суғд, Хоразм, Қанғ ва Фарғона каби тарихий-маданий ўлкаларининг муҳофаа истеҳкомлари ҳақида маълумот берилди.

**Калит сўзлар:** Ўрта Осиё, муҳофаа деворлари, вар, археологик қазув тадқиқот ишлари, муҳофаа деворларининг ўрганилиши, шаҳар муҳофаа деворлари, тарихий-маданий воҳалар.

**Аннотация.** В статье отражены исторические причины возникновения оборонительных стен в Средней Азии и этапы их научного изучения. В нем представлена информация об оборонительных укреплениях исторических и культурных стран Центральной Азии, таких как Маргияна, Бактрия, Согд, Хорезм, Канг и Фергана.

**Ключевые слова:** Средняя Азия, оборонительные стены, вар, археологические раскопки, изучение оборонительных стен, городские оборонительные стены, историко-культурные оазисы.

**Annotation.** This article reflects the historical reasons for the emergence of defensive walls in Central Asia and the stages of their scientific study. It provides information on the defense fortifications of historical and cultural countries of Central Asia, such as Margiyana, Bactria, Sughd, Khorezm, Qang and Fergana.

**Keywords:** Central Asia, defensive walls, var, archeological excavations, study of defensive walls, urban defensive walls, historical-cultural oases.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бундан тахминан 6000 йил олдин ибтидоий кишилар турли тоғ этакларида, дарёларнинг тошқин сувлари ёқасида ва кўллар атрофида ўтроқ ҳаётга ўта бошлаган. Дастлаб улар оддий ертўла ва чайлалар ясаб яшаганлар. Улар энди ўзлаштира хўжаликдан ташқари аста-секин ишлаб чиқарувчи хўжаликка, яъни, ибтидоий деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғуллана бошлаганлар. Кейинчалик деҳқончилик билан шуғулланувчиларнинг сони ва маҳсулоти ҳамда кўлга ўргатилган ҳайвонларнинг сони ортиб борган. Содда деҳқончилик учун қулай бўлган жойларда ибтидоий кишилар жамоа-жамоа бўлиб кун кечира

бошлаганлар. Энди улар пахса ва хом ғиштан уйлар солиб, экин экиб, ҳайвонларни ўз қўлига ўргатиб тирикчилик қилиш йўлига ўтганлар. Бу ҳол жамият тарихида жуда катта иқтисодий ва ижтимоий бурилишга олиб келган.

Металлнинг кашф этилиши ишлаб чиқариш ривожини тезлаштирди. Бу омил деҳқончилик ва чорвачиликнинг кейинги тараққиётига ижобий таъсир ўтказди. Натижада, хўжаликнинг бу икки соҳасининг бир жойда ривожланиши мумкин бўлмай қолди. Чунки, деҳқончилик учун суғориладиган кенг экин майдонларининг кенгайтирилиши зарур бўлганидек, чорвачилик учун ҳам катта яйловлар керак эди. Чорванинг миқдори кўпайган сари у ўтроқ деҳқончилик қилинадиган воҳаларга сиғмай қолди. Натижада жамият иккига – воҳаларда деҳқончилик билан ҳаёт кечирувчи ўтроқ аҳолига ва кенг дашт-сахро ва тоғ олди ҳудудларидаги қулай яйловларни қидириб, жойдан-жойга кўчиб юриб, чорвачилик билан шуғулланувчи кўчманчи қабилаларга бўлинган ва натижада инсоният ҳаётида биринчи марта ижтимоий меҳнат тақсимооти келиб чиққан.

Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларида темир эритишнинг кашф этилиши ва ундан фойдаланиш жамият хўжалигида катта бурилиш ясаган. Бу даврда одамлар дарёлар тармоқларидаги қулай ерларда ариқлар қазиб чиқариб, сувсиз ерларни суғориб деҳқончилик воҳаларини кенгайтирадилар.

Аҳоли уруғ ва қабилаларга уюшган ҳолда сувли ерларда ўрнашган. Бундай жойларда деҳқончилик билан бирга уй чорвачилиги хўжаликда биргаликда олиб борилган. Ёвгарчиликда чорва ва деҳқончилик маҳсулотларидан ажраб қолмаслик учун қалъалар барпо қилганлар. “Вар” деб аталган бундай қалъалар Хоразм, Фарғона, Зарфшон, Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларида барпо этилган. “Вар”лар тўртбурчау узун деворлар билан ўраб олиниб, киши базўр кўтара олидиган хом ғиштлардан қалин ва мустаҳкам қилиб ишланган. “Вар”ларнинг ичи асосан бўш яланглик бўлиб, ёвгарчилик вақтида элнинг қора моли унга киритиб қамалган<sup>1</sup>. Шу тариқа ўтроқ аҳоли томонидан молини ва жонини сақлаш учун мустаҳкам муҳофаа иншоотлари курила бошлаган.

Ўрта Осиё ҳудудидаги археологик ёдгорликларда қазув тадқиқот ишлари XIX аср охирида, яъни, Россия томонидан босиб олингандан сўнг бошланди. Минтақа ёдгорликлари археологик жиҳатдан XX асрда, шунингдек ҳозирги кунгача чинакам ўрганилиб келинмоқда.

Ўрта Осиё жануби, хусусан, Туркменистонда олиб борилган археологик қазув тадқиқот ишлари жараёнида бронза даврига оид Олтинтепа<sup>2</sup> ва илк темир даври шаҳар ёдгорлиги Эркқалъа<sup>3</sup> муҳофаа истехкомлари, шунингдек Янги ва Эски Нисо, Койнеқалъа, Говурқалъа, Девқалъа, Чилбурж ва бошқа

<sup>1</sup> Мухамедов Ҳ. Қадимги муҳофаа деворлари. Тошкент, 1961, 7-бет.

<sup>2</sup> Массон В.М. Алтын дёпе. //ПЮТАКЭ. т. XVIII. Л., “Наука”, 1981.

<sup>3</sup> Марушенко А.Л. Елькен дёпе. //ТИИАЭ АН ТССР. V. Ашхабад, 1959, “Ылым”; Усманова З.И. Эрк кала. //ПЮТАКЭ. Т. XII, Ашхабад, “Ылым”, 1963.

харбий истехкомлар тизими ўрганилган<sup>4</sup>.

Ўзбекистон ҳудудида мудофаа иншоотларининг туб маҳаллий манбаси ва унинг ривожланиш тарихи Сополлитепа<sup>5</sup>, Жарқўтон<sup>6</sup>, Чуст, Далварзинтепа<sup>7</sup>, Кўктепа<sup>8</sup>, Узунқир, Сангиртепа каби ёдгорликлардан олинган ашёлар асосида ўрганилган. Тадқиқотчи олимлар бу археологик манзилгоҳларнинг илк шаҳарсозлик маданиятига мансуб эканлиги ҳақида илмий жамоатчиликка маълумот бердилар.

Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги мудофаа деворлари билан ўраб олинган аҳоли манзилгоҳларидан бири Сополлитепадир. Ушбу ёдгорлик бронза даври оид бўлиб, Сурхондарё вилоятининг (Музрабод тумани) Шеробод чўлини кечиб ўтган Ўланбулоқсой ёқасида жойлашган. 1968 йилда археолог Л.Альбаум томонидан қайд этилган бўлиб, 1969-1974 йилларда академик А.Аскарлов томонидан ўрганилган<sup>9</sup>.

Бактрия ҳудудининг илк темир даврига оид мудофаа истехкомларини илмий ўрганишда Кайкубодшоҳ<sup>10</sup>, Зартепа<sup>11</sup>, Эски Термиз<sup>12</sup>, Талашкантепа<sup>13</sup>,

---

<sup>4</sup> Ершов С.А. Археологические исследования на городище Старая Ниса в 1941 г. //ТЮТАКЭЭ. Т.1. Ашхабад, “БҒлым”, 1949; Левина В.А. Стена и башня Старой Нисы (археологическое вскрытие). //ТЮТАКЭ. Т.1. Ашхабад, “БҒлым”, 1949; Вязьмитина М.И. Археологические изучения городища Новая Ниса в 1946 г. //ТЮТАКЭ. Т. 1. Ашхабад, “БҒлым”, 1949; Пугаченкова Г.А. К характеристике крепостной архитектуры Старой Нисы. //Известия АН Турк. ССР. № 1. Ашхабад, “БҒлым”, 1952; Пугаченкова Г.А. Пути развития архитектуры Южного Туркменистана в поры рабовладения и феодализма. //ТЮТАКЭ. Т. VI. Ашхабад, “БҒлым”, 1958; Дурдыев Д. Кырк дөпе. //ТИИАЭ АН ТССР. Т.V. Ашхабад, “БҒлым”, 1959; Ташходжаев Ш.С. Разрез городской стены Гяур калы //ТЮТАКЭ. Т. XII. Ашхабад, “БҒлым”, 1963; Усманова З.И. Новые данные к археологической стратиграфии Эрк калы. //ТЮТАКЭ. Т. XIV, Ашхабад, “БҒлым”, 1969; Кошеленко Г.А., Усманова З.И. К истории городских укреплений древнего Мерва. //Известия АН ТССР. СОН. 1. Ашхабад, “БҒлым”, 1966; Филанович М.И. Гяур кала. //ТЮТАКЭ. Т. XV Ашхабад, “БҒлым”, 1974; Массон В.М. Фортификация Средней Азии в бронзовом веке. //Этнография и археология Средней Азии. М., “Наука”, 1979; Мережкин Л.Н. Обследование районной стены III в. до н. э. вокруг Маргианы (Полевой отчет IV отряда ЮТАКЭ). //ТЮТАКЭ. Т. XVI, Ашхабад, “БҒлым”, 1978.

<sup>5</sup> Аскарлов А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973.

<sup>6</sup> Аскарлов А., Абдуллаев Б. Жарқутан. Ташкент, Фан, 1983.

<sup>7</sup> Заднепровский Ю.А. Укрепления Чустских поселений и их место в истории первобытной фортификации Средней Азии. Автореф. дис. ...докт. ист.наук. М., 1978.

<sup>8</sup> Исамиддинов М.Х. Гнезис городской культуры Самаркандского Согда. Автореф. дис. ...докт. ист.наук. Самарканд, 2000.

<sup>9</sup> Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, «Фан», 1977; Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, «Фан», 1993.

<sup>10</sup> Кузьмина Е.Е., Певзнер С.В. Оборонительные сооружения городища Кейкобадшах. //КСИИМК. Вып. 64. М., «Наука», 1956.

<sup>11</sup> Сабиров К.С. Раскопки крепостной стены кушанского Зар тепе. //СА. № 1. М., «Наука», 1978.

<sup>12</sup> Николаев В.П. Исследования внешнего вала городища Старый Термез в 1968 г. //Буддийский культовый центр Кара тепе в Старом Термезе. Основные итоги работ 1965-1971 гг. Материалы совместной археологической экспедиции на Кара-тепе. М., «Наука», 1972.

<sup>13</sup> Запаров Ш.Х., Ртвеладзе Э. В. Раскопки древнебактрийского поселения Талашкан тепе I. //Бактрийские древности. Л., «Наука», 1976.

Ойхоним<sup>14</sup>, Жигатепа<sup>15</sup> истехкомлари, Вахш водийсидаги шаҳар манзилгоҳлари<sup>16</sup> катта аҳамият касб этади.

Хоразм воҳасининг қадим ва ўрта асрлар шаҳар ва қишлоқлари мудофаа тизими тадқиқотчи олимлар томонидан илмий жиҳатдан яхши ўрганилган. Хусусан, Кўзалиқир<sup>17</sup>, Бозорқалъа<sup>18</sup>, Қалъалиқир<sup>19</sup>, Ҳозарасп<sup>20</sup>, Катта Ойбуғурқалъа<sup>21</sup>, Дингилжа<sup>22</sup> каби археологик ёдгорликларда ўтган асрнинг 40-йилларидан то бугунги кунимизгача ўрганилиб келинмоқда.

Суғд тарихий-маданий воҳаси мудофаа тизимининг археологик ўрганилиши ХХ асрнинг 30-йилларидан бошланган. Дастлабки тадқиқотлар Г.В. Григорьев томонидан 1936-1938 йилларда Тилла-Барзу шаҳар ёдгорлигида олиб борилган<sup>23</sup>. Воҳадаги навбатдаги тадқиқотлар иккинчи жаҳон урушидан кейин, яъни, 1946 йилда С.К.Кабанов томонидан Қашқадарёнинг қуйи оқимидаги Қажартепа, Мудинтепа ва Пирматбоботепа қишлоқ маконларида давом эттирилди. 1950 йилда Суғд воҳасининг шимолий қисмини ҳимоя қилувчи Кампирдевор ҳаробалари Обельченко томонидан ва Варахша шаҳар ёдгорлиги С.К.Кабанов томонидан ўрганилди<sup>24</sup>. Кейинчалик Кампирдеворнинг мудофаа тизимларида

<sup>14</sup> Лериш П. Оборонительные сооружения эллинистического города Айханум (Афганистан). //Городская среда и культура Бактрии-Тохо-ристана и Согда (IV в. до н. э.-VIII в.н.э.). Тезисы докладов. Ташкент, «Фан», 1986.

<sup>15</sup> Путаченко Г.А. Жига тепе (раскопки 1974 г.). // Древняя Бактрия. Вып. 2. М., «Наука», 1979.

<sup>16</sup> Литвинский Б.А., Давыдович Е.А. Предварительный отчет о работе Хуттальского отряда на территории Вахшской долины в 1953 г. //ДАН Таджикской ССР. Вып. 2. Сталинабад, 1954.

<sup>17</sup> Вишневская О.А. Раскопки на городище Кюзели-гыр-Ао 1971. М.: Наука, 1972; Вишневская О.А. Раскопки на городище Кюзели-гыр-Ао 1977. М.: Наука, 1978; Вишневская А., Рапопорт Ю.А. Городище Кюзели-гыр к вопросу о раннем этапе истории Хорезма. // ВДИ.№2.1997; Мадаминов М.Р. Қадимий ва ўрта аср Хоразм пойтахти қалъалари ва уларнинг қурилиши тарихи. Тар. фан. номз... дисс. автореф. Нукус, 2004.

<sup>18</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. М.: Наука, 1948, С. 112.

<sup>19</sup> Толстов С.П. Древности верхнего Хорезма. // ВДИ №1. 1941. С.178; Рапопорт Ю.А., Лапиров-Скоюло М.С. Раскопки дворцового здания на городище Калалигыр-1 в 1958-1961гг. // МХЭ. 1963. №6. М.: Наука, С. 141-156.

<sup>20</sup> Гуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент, Фан, 1959. 157-160-бетлар; Воробьева М.Г., Лапирова-Скобло М.С., Неразик Е.Е. Археологические работы в Хазараспе в 1958-1960 гг. // МХС 1963. Вып. 6. М.: Наука. С. 157-180; Собиров К., Рузимов С. Археологические работы в Хазараспе // Вестник ККО АН РУз 2003. №3-4. С. 108-109; Собиров К., Абдраимов Р. Хазарасп и вопросы периодизация ранних этапов развития оседлоземледельческой культуры Хорезма // Международный симпозиум «Цивилизация древнего Хорезма в контексте истории мировой культуры» и полевого семинар «Археология древнего Тошкырманского оазиса» // Нукус-Бустан, 200. С. 34-35.

<sup>21</sup> Бижанов Е.Б. Археологические памятники Юго-Восточного Устюрта. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Нукус, 1965; Мамбетуллаев М. Раскопки городища Большая Айбуйиркала // Вестник КК., «Фан», 1977. №3; Мамбетуллаев М., Кдырнязов М. Раскопки оборонительных сооружений городища Большая Айбуйиркала // Вопросы истории, археологии и этнографии КК АССР. Нукус, 1990; мамбетуллаев М. Городище Большая Айбуйиркала (раскопки 1971-1978 и 1981 гг.) // Археология Приаралья. Вып. , ташкент, Фан, 1990.

<sup>22</sup> Воробьева М.Г. раскопки архаического поселения близ Дингильдже. // МХЭ. Вып. 1. М.: Наука. 1959. С. 70-80; Толстов С.П., Жданко Т.А., Итина М.А. работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в 1958-1961 гг. М.: Наука. 1963. С. 10; Воробьева М.Г. Дингильджа. Усадьба середины 1 тыс. до н э. в древнем Хорезме. М.: Наука, 1973. С. 16-218.

<sup>23</sup> Григорьев Г.В. Городище Тали-Барзу. //ТОВЭ. Кн. 2. Л., «Наука», № 1, 1940.

<sup>24</sup> Кабанов С.К. Раскопки жилых построек и городских оборонительных сооружений на городище Варахша в 1953-1954 гг. //ИМКУ. Вып. I. Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1959.

археологик қазув тадқиқот ишларини Х. Мухамедов, А.Р. Мухаммаджонов ва П. Валиевлар давом эттирди<sup>25</sup>.

Сугнинг маркази бўлган Афросиёб шаҳар ёдгорлигининг мудофаа тизимини ўрганиш бўйича йирик қазилар ишари М.К. Пачос томонидан амалга оширилган ва илк ўрта асрлар даври ёдгорлиги деб ҳисоблаган<sup>26</sup>. Тадқиқотчилар С.К. Кабанов, М.И. Филанович, Ю.Ф. Буряков, Г.В. Шишкин ва Ш.С. Тошхўжаевлар шаҳар мудофаа деворларининг қурилиш даври мил.авв. I-минг йиллик ўрталари билан даврлаштиради<sup>27</sup>.

Сугнинг қадимги марказий шаҳарлари - Ерқўрғон<sup>28</sup>, Қалъаи Заҳоки Марон<sup>29</sup>, қадимги Кеш<sup>30</sup>, Варахша<sup>31</sup> ва Бухоро<sup>32</sup> каби мустақкам қалъаларнинг мудофаа иншоотлар тизими тадқиқотчи олимлар томонидан ўрганилган.

Қадимда Чирчиқ, Оҳангарон ва уларнинг ирмоқлари бўлган катта ва кичик сойлар ҳавзаси Тошкент воҳасининг энг қадимги деҳқончилик марказларига айланган. Оҳангарон дарёсининг ўрта оқимида жойлашган Бурғулуксой ҳавзаси Тошкент воҳасидаги илк деҳқончилик маданияти таркиб топган район бўлиб чиқди. Бу ҳудудда археолог А.И. Тереножкин 1940 йилда биринчи бор қидирув ишларини олиб борган<sup>33</sup>.

1972 йили археолог Х. Дуке Туябўғиз сув омборининг қурилиши муносабати билан Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида мунтазам равишда қидирув ва қазилар ишларини олиб бориб, Бурғулук маданиятга тегишли 14 та қишлоқ ва 60 га яқин ярим ертўла ва чайла типидagi кулбаларнинг қолдиқларини очиб ўрганди. Археологик қазилалар давомида қадимги

---

<sup>25</sup> Мухамедов Х. Из историй оборонительных стен вокруг Узбекистана. //АҚД. Ташкент, 1962; Мухамеджанов А.Р., Мирзаахмедов Д.К., Адылов Ш.Т. К изучению исторической топографии и фортификации Бухары. — ИМКУ, вып. 20, Ташкент, «Фан», 1986.

<sup>26</sup> Пачос М.К. Оборонительные сооружения Афрасиаба. // АҚД. Ташкент, «Фан», 1966; Пачос М.К. К изучению стен городища Афрасиаб. //СА. № 1. М., 1967.

<sup>27</sup> Сулейманов Р.Х. Древняя культура южного Согда. (VII в. До н.э. – VII в.н.э.)// Автореф. дис. ...докт. ист.наук. Самарканд, 1997.

<sup>28</sup> Сулейманов Р.Х., Туребеков М. Этапы развития фортификационной системы Еркургана. //ИМКУ. Вып. 14. Ташкент, 1978; Туребеков М. Оборонительные сооружения древних поселений и городов Согда (VII-VI вв. до н. э.-VI в. н. э.). Нукус, «Каракалпакстан», 1990;

<sup>29</sup> Массон М.Е. Столичные города и области низовьев Каш-кадарьи с древнейших времен. Ташкент, «Фан», 1973; Кабанов С.К. Руины здания времени Кушан близ Карши. //ИМКУ. Вып. X. Ташкент, «Фан», 1973.

<sup>30</sup> Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Ташкент, 2000.

<sup>31</sup> Кабанов С.К. Раскопки жилых построек и городских оборонительных сооружений на городище Варахша в 1953-1954 гг. //ИМКУ. Вып. I. Ташкент, Изд-во АН УзССР., 1959; Шишкин В.А. Варахша. М., Изд-во АН СССР, 1963.

<sup>32</sup> Мухамеджанов А.Р., Мирзаахмедов Д.К., Адылов Ш.Т. К изучению исторической топографии и фортификации Бухары. — ИМКУ, вып. 20, Ташкент, «Фан», 1986.

<sup>33</sup> Тереножкин А.И. Памятники материальной культуры на Ташкентском канале // Известия Узбекстанского филиала АН СССР. - Ташкент, 1940. - № 9. - С. 30-36.

кишлоқларни ўраб олган мудофаа деворларини очди, хом ғиштдан қилинган ҳар хил ҳажмдаги уй қолдиқлари ўрганилди<sup>34</sup>.

Тошкент воҳасида мустаҳкам қалъа деворлари билан боғлиқ урбанизация жараёни Бурғулуқ даврининг энг охирига тўғри келади<sup>35</sup>.

Фарғона – Давон қадимда илк деҳқончилик маданияти ривожланган тарихий-маданий вилоят ҳисобланиб, мил. авв. II минг йиллик 2-ярмида водийнинг обикор ерларида ўзига хос маданият вужудга келиб, унинг маркази ҳозирги Далварзин шаҳар харобалари бўлган. Ёдгорлик майдони 25 га. бўлиб, 3 қисмдан иборта мураккаб режавий тузилишга эга. Уларнинг ҳар бири мудофаа деворлари билан ўраб олинганлиги аниқланган.

Фарғона водийси аҳоли манзилгоҳларининг мудофаа иншоотлари билан ўраб олиниши бронза<sup>36</sup> ва илк темир даври ёдгорликларида ўрганилган. Булар, жумладан, Эйлтан, Шўрабашат, Мингтепа ва бошқалардир. Бу каби қурилмалар Чуст водийсида ҳам борлиги маълум.

Ўрта Осиёнинг тарихий-маданий ўлкаларида истиқомат қилувчи халқлар қадимда ўз шаҳар ва кишлоқларни, обод деҳқончилик воҳаларини пайҳон бўлмаслиги ҳамда душманлар босқинидан ҳимоялаш мақсадида атрофни мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўраб олганлар.

Туркменистон жанубидаги қадимги Марв воҳаси атрофидаги Антиох I Сотер девори<sup>37</sup>, Бактрия-Тохаристон тарихий-маданий ўлкасида Балх ва Дарбанд девори<sup>38</sup>, қадимги Хоразм воҳасининг шимолий ҳудудларини ҳимояловчи Девкесганвал<sup>39</sup>, қадимги Бухоро воҳасини ўраган Кампирак девори<sup>40</sup>, қадимги Суғд воҳалари атрофидаги ҳамда Фарғона водийсининг ғарб ва Тошкент воҳасининг жанубидаги Жилонбузган<sup>41</sup>, қадимги Нурота воҳаси атрофидаги Пироста<sup>42</sup>, Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарлари ва улар тевааридаги обод кишлоқларни ўраган Чим девори<sup>43</sup>, қадимги Самарқанд

---

<sup>34</sup> Дукe X. Бургулюкская культура. -В кн: Древности Тябугуза. Т.,1979.

<sup>35</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент, «Фан», 1982, С. 103.

<sup>36</sup> Спришевский В.И. Оборонительные сооружения эпохи бронзы на территории Узбекистана. //СА. № 3. М., «Наука», 1972.

<sup>37</sup> Вязигин С.А. Стена Антиоха Сотера вокруг древней Мар-гианы. //ТЮТАКЭ. Т. 1. Ашхабад, «Билим», 1949.

<sup>38</sup> Кругликова И.Т. Дильберджин. 4.1. М., «Наука», 1974; Ртвеладзе Э.В. Стена Дербента Бактрийского. //ОНУз. XII. Ташкент, «Фан», 1986; Ртвеладзе Э.В. Фортификационные сооружения на северных границах Кушанского государства. //Маскан. № 5-6. Ташкент, 1992; Рахманов Ш.А. Новые данные о стене на железных воротах. ОНУз. № 1-2. Ташкент, «Фан», 1994.

<sup>39</sup> Ягодин В.Н., Хожаниязов Г.Х. Вал Девкесганский (к вопросу о функциях и хронологии) // Вестник Каракалпакского филиала. АН Уз. 1986. №3.

<sup>40</sup> Мирзаахмедов Ж., Одилов Ш., Пардаев М., Мақсудов Р. Қизилтепа қадимиятидан лавҳалар. Т, 2002, 22-бет.

<sup>41</sup> Муҳамедов Х. Қадимги мудофаа деворлари. Тошкент, 1961, 66-72-бетлар.

<sup>42</sup> Муҳамедов Х. Қадимги мудофаа деворлари. Тошкент, 1961, 43-бет.

<sup>43</sup> Муҳамедов Х. Из историй оборонительных стен вокруг Узбекистана. //АКД. Ташкент, 1962.

шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларни ўраб олган Девори Қиёмат<sup>44</sup> каби воҳани ҳимоя қилувчи мустоҳкам мудофаа деворлари тарихчи-археологлар томонидан ўрганилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мудофаа деворларининг вужудга келиши ўзлаштира хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка ўтиши, унинг мукамаллашиб бориши ўтроқ ҳаётнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ. Мудофаа деворлари функциясига кўра, иккига бўлинади:

- биринчиси, маълум воҳани ҳимоя қилувчи деворлар (Кампирдевор);
- иккинчиси, қишлоқ маконлари ва шаҳарларни мудофаа қилувчи деворлар.

### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Аскарлов А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, «Фан», 1977; Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, «Фан», 1993.
2. Аскарлов А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973.
3. Аскарлов А., Абдуллаев Б. Жаркутан. Ташкент, Фан, 1983.
4. Бижанов Е.Б. Археологические памятники Юго-Восточного Устюрта. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Нукус, 1965.
5. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент, «Фан», 1982.
6. Вишневская А., Рапопорт Ю.А. Городище Кюзели-гыр к вопросу о раннем этапе истории Хорезма. // ВДИ. №2. 1997.
7. Вишневская О.А. Раскопки на городище Кюзели-гыр-Ао 1971. М.: Наука, 1972.
8. Вишневская О.А. Раскопки на городище Кюзели-гыр-Ао 1977. М.: Наука, 1978.
9. Воробьева М.Г. Дингильджа. Усадьба середины 1 тыс. до н э. в древнем Хорезме. М.: Наука, 1973.
10. Воробьева М.Г. Раскопки архаического поселения близ Дингильдже. // МХЭ. Вып. 1. М.: Наука. 1959.
11. Воробьева М.Г., Лапирова-Скобло М.С., Неразик Е.Е. Археологические работы в Хазараспе в 1958-1960 гг. // МХС 1963. Вып. 6. М.: Наука.
12. Вязигин С.А. Стена Антиоха Сотера вокруг древней Мар-гианы. // ТЮТАКЭ. Т. 1. Ашхабад, «Ылым», 1949.
13. Вязьмитина М.И. Археологические изучения городища Новая Ниса в 1946 г. // ТЮТАКЭ. Т. 1. Ашхабад, «Ылым», 1949.
14. Григорьев Г.В. Городище Тали-Барзу. // ТОВЭ. Кн. 2. Л., «Наука», № 1, 1940.
15. Гуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент, Фан, 1959.
16. Дукe X. Бургулюкская культура. -В кн: Древности Тябугуза. Т., 1979.

---

<sup>44</sup> Мухамедов Х. Из историй оборонительных стен вокруг Узбекистана. //АКД. Ташкент; Мухамедов Х. Кадимий мудофаа деворлари. Ташкент, «Фан», 1973.

17. Дурдыев Д. Кырк депе. //ТИИАЭ АН ТССР. Т.V. Ашхабад, “Ылым”, 1959.
18. Ершов С.А. Археологические исследования на городище Старая Ниса в 1941 г. //ТЮТАКЭЭ. Т.1. Ашхабад, “Ылым”, 1949.
19. Заднепровский Ю.А. Укрепления Чустских поселений и их место в истории первобытной фортификации Средней Азии. Автореф. дис. ...докт. ист.наук. М., 1978.
20. Запаров Ш.Х., Ртвеладзе Э. В. Раскопки древ-небактрийского поселения Талашкан тепе I. //Бактрийские древности. Л., «Наука», 1976.
21. Исамиддинов М.Х. Гнезис городской культуры Самаркандского Согда. Автореф. дис. ...докт. ист.наук. Самарканд, 2000.
22. Кабанов С.К. Раскопки жилых построек и городских оборонительных сооружений на городище Варахша в 1953-1954 гг. //ИМКУ. Вып. I. Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1959.
23. Кабанов С.К. Раскопки жилых построек и городских оборонительных сооружений на городище Варахша в 1953-1954 гг. //ИМКУ. Вып. I. Ташкент, Изд-во АН УзССР., 1959.
24. Кошеленко Г.А., Усманова З.И. К истории городских укреплений древнего Мерва. //Известия АН ТССР. СОН. 1. Ашхабад, “Ылым”, 1966.
25. Кругликова И.Т. Дильберджин. 4.1. М, «Наука», 1974; Ртвеладзе Э.В. Стена Дербента Бактрийского. //ОНУз. XII. Ташкент, «Фан», 1986.
26. Кузьмина Е.Е., Певзнер СВ. Оборонительные сооружения городища Кейкобадшах. //КСИИМК. Вып. 64. М., «Наука», 1956.
27. Левина В.А. Стена и башня Старой Нисы (археологическое вскрытие). //ТЮТАКЭ. Т.1. Ашхабад, “Ылым”, 1949.
28. Лериш П. Оборонительные сооружения эллинистического города Айханум (Афганистан). //Городская среда и культура Бактрии-Тохо-ристана и Согда (IV в. до н. э.-VIII в.н.э.). Тезисы докладов. Ташкент, «Фан», 1986.
29. Литвинский Б.А., Давыдович Е.А. Предварительный отчет о работе Хутгальского отряда на территории Вахшской долины в 1953 г. //ДАН Таджикской ССР. Вып. 2. Сталинабад, 1954.
30. Мадаминов М.Р. Қадимий ва ўрта аср Хоразм пойтахти қалъалари ва уларнинг қурилиши тарихи. Тар. фан. номз... дисс. автореф. Нукус, 2004.
31. Мамбетуллаев М. Городище Большая Айбуйиркала (раскопки 1971-1978 и 1981 гг.) // Археология Приаралья. Вып. , ташкент, Фан, 1990.
- Мамбетуллаев М. Раскопки городища Большая Айбуйиркала // Вестник КК., «Фан», 1977. №3.
32. Мамбетуллаев М., Кдырниязов М. Раскопки оборонительных сооружений городища Большая Айбуйиркала // Вопросы истории, археологии и этнографии КК АССР. Нукус, 1990.
33. Марушенко А.Л. Елькен депе. //ТИИАЭ АН ТССР. V. Ашхабад, 1959, “Ылым”; Усманова З.И. Эрк кала. //ТЮТАКЭ. Т. XII, Ашхабад, “Ылым”, 1963.
34. Массон В.М. Алтын депе. //ТЮТАКЭ. т. XVIII. Л., “Наука”, 1981.



35. Массон В.М. Фортификация Средней Азии в бронзовом веке. //Этнография и археология Средней Азии. М., «Наука», 1979.
36. Массон М.Е. Столичные города и области низовьев Каш-кадарьи с древнейших времен. Ташкент, «Фан», 1973.
37. Мережкин Л.Н. Обследование районной стены III в. до н. э. вокруг Маргианы (Полевой отчет IV отряда ЮТАКЭ). //ТЮТАКЭ. Т. XVI, Ашхабад, «Ылым», 1978.
38. Мирзаахмедов Ж., Одилов Ш., Пардаев М., Мақсудов Р. Қизилтепа қадимиятидан лавҳалар. Т, 2002.
39. Мухамеджанов А.Р., Мирзаахмедов Д.К., Адылов Ш.Т. К изучению исторической топографии и фортификации Бухары. — ИМКУ, вып. 20, Ташкент, «Фан», 1986.
40. Мухамедов Х. Из историй оборонительных стен вокруг Узбекистана. //АКД. Ташкент, 1962; Мухамеджанов А.Р., Мирзаахмедов Д.К., Адылов Ш.Т. К изучению исторической топографии и фортификации Бухары. — ИМКУ, вып. 20, Ташкент, «Фан», 1986.
41. Мухамедов Х. Из историй оборонительных стен вокруг Узбекистана. //АКД. Ташкент, 1962.
42. Мухамедов Х. Қадимги мудофаа деворлари. Тошкент, 1961.
43. Николаев В.П. Исследования внешнего вала городища Старый Термез в 1968 г. //Буддийский культовый центр Кара тепе в Старом Термезе. Основные итоги работ 1965-1971 гг. Материалы совместной археологической экспедиции на Кара-тепе. М., «Наука», 1972.
44. Пачос М.К. Оборонительные сооружения Афрасиаба. // АКД. Ташкент, «Фан», 1966; Пачос М.К. К изучению стен городища Афрасиаб. //СА. № 1. М., 1967.
45. Пугаченкова Г.А. К характеристике крепостной архитектуры Старой Нисы. //Известия АН Турк. ССР. № 1. Ашхабад, «Ылым», 1952.
- Пугаченкова Г.А. Жига тепе (раскопки 1974 г.). // Древняя Бактрия. Вып. 2. М., «Наука», 1979.
50. Пугаченкова Г.А. Пути развития архитектуры Южного Туркменистана в поры рабовладения и феодализма. //ТЮТАКЭ. Т. VI. Ашхабад, «Ылым», 1958.
51. Рапопорт Ю.А., Лапиров-Скоюло М.С. Раскопки дворцового здания на городище Калалигыр-1 в 1958-1961гг. // МХЭ. 1963. №6. М.: Наука.
52. Рахманов Ш.А. Новые данные о стене на железных воротах. ОНУз. № 1-2. Ташкент, «Фан», 1994.
53. Ртвеладзе Э.В. Фортификационные сооружения на северных границах Кушанского государства. //Маскан. № 5-6. Ташкент, 1992.
54. Сабиров К.С. Раскопки крепостной стены кушанского Зар тепе. //СА. № 1. М., «Наука», 1978.

55. Собиров К., Абдраимов Р. Хазарасп и вопросы периодизация ранних этапов развития оседлоземледельческой культуры Хорезма // Международный симпозиум «Цивилизация древнего Хорезма в контексте истории мировой культуры» и полевой семинар «Археология древнего Тошкырманского оазиса» // Нукус-Бустан, 2000.
56. Собиров К., Рузимов С. Археологические работы в Хазараспе // Вестник ККО АН РУз 2003. №3-4.
57. Спришевский В.И. Оборонительные сооружения эпохи бронзы на территории Узбекистана. //СА. № 3. М., «Наука», 1972.
58. Сулейманов Р.Х. , Туребеков М. Этапы развития фортификационной системы Еркургана. //ИМКУ. Вып. 14. Ташкент, 1978.
59. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Ташкент, 2000.
60. Сулейманов Р.Х. Древняя культура южного Согда. (VII в. До н.э. – VII в.н.э.)// Автореф. дис. ...докт. ист.наук. Самарканд, 1997.
61. Ташходжаев Ш.С. Разрез городской стены Гяур калы //ТЮТАКЭ. Т. XII. Ашхабад, “Ылым”, 1963.
62. Тереножкин А.И. Памятники материальной культуры на Ташкентском канале // Известия Узбекского филиала АН СССР. - Ташкент, 1940. - № 9.
63. Толстов С.П. Древний Хорезм. М.: Наука, 1948.
64. Толстов С.П. Древности верхнего Хорезма. // ВДИ №1. 1941.
65. Толстов С.П., Жданко Т.А., Итина М.А. работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в 1958-1961 гг. М.: Наука. 1963.
66. Усманова З.И. Новые данные к археологической стратиграфии Эрк калы. //ТЮТАКЭ. Т. XIV, Ашхабад, “Ылым”, 1969.
67. Филанович М.И. Гяур кала. //ТЮТАКЭ. Т. XV Ашхабад, “Ылым”, 1974.
68. Ягодин В.Н., Хожаниязов Г.Х. Вал Девкесганский (к вопросу о функциях и хронологии) // Вестник Каракалпакского филиала. АН Уз. 1986. №3.